**“Ўздавнефтгазинспекция” томонидан 2017 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида**
**М А Ъ Л У М О Т**

Бевосита жойларга чиқиб 4354 та тадбиркорлик субъектларида тушунтириш ишлари олиб борилди, 12723 та тадбиркорлар иштирокида 495 та семинарлар ўтказилди, 285 та кўргазмалар ташкил этилди, 36 та турдаги қўлланмалар 38994 та нусхада тарқатилди.

Ўтказилган профилактика ишлари натижасида 1711 та субъектларда 1394 та хато ва камчиликлар бартараф этилди ва 1320 та хато ва камчиликларни олди олинди. Ташкил этилган “Очиқ эшиклар куни”да 1075 та ва “Ишонч телефони” орқали 113 та тадбиркорларнинг муаммоли масалалари ҳал этилди.

**ПРОФИЛАКТИКА ИШЛАРИ, “ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ”, “ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ” ОРҚАЛИ МУАММОЛИ МАСАЛАЛАР ҲАЛ ЭТИЛИШИ БЎЙИЧА**




Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарори билан тасдиқланган режа-жадвал ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари топшириқларига мувофиқ ўтказилган 598 текширишларда 17,4 минг тонна нефть маҳсулотлари манбааси аниқланди.

Жумладан: 10,2 минг тонна ортиқча ишлатилгани, камомад 2,8 минг тонна, давлат андозасига жавоб бермаслиги 97 тонна, табиий газдан ноқонуний ва ноқилона 418 минг куб метр, суюлтирилган газдан 1,15 минг тонна самарасиз фойдаланилганлиги, сиқилган газ 7,4 минг куб метр ортиқча сарфлангани, суюлтирилган газдан 303 тонна камомад ҳамда 557 та ҳолатда нефть газ объектларидан фойдаланишдаги қўпол қоидабузарликларни ташкил этади.

Текшириш натижалари билан 46 нафар мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилган ва улардан 24,1 млн сўм ундирилган.

Ҳисобот даврида жами 345 маротаба оммавий ахборот воситаларида, ундан 132 маротаба газета ва журналларда мақолалар чоп этилган, 115 маротаба телевидения орқали лавҳалар намойиш этилган ва 98 маротаба радиоэфирлар орқали чиқишлар қилинган.

**ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ОРҚАЛИ ЁРИТИБ БОРИШ БЎЙИЧА**

